

Сенинг йўлингда азият чекадиганларга муносабатинг қандай бўлар экан-а?!



08:00 / 20.06.2020 2511

Бану Ҳошимнинг мавлоси Муҳаммад ибн Абул Қосимдан ривоят қилинади: «Бир обид киши бир золимга панд-насихат қилибди. Бундан ғазаби чиққан золим обиднинг оёқ-қўлларини кесишга буюрибди. Обиднинг қўл-оёқларини кесиб, ибодат қиладиган жойига олиб бориб ташлашибди. Унинг биродарлари ҳамдардлик билдириш учун олдига келишибди. Шунда обид дўстларига: «Менга ҳамдардлик билдирманглар, балки Аллоҳ таоло менга шу нарсаларни ато қилгани учун табрикланглар», дебди. Кейин шундай дебди: «Аллоҳим, рағбат қилинадиган ўринда ўтирибман. Ажойиб ҳолатларни кўряпман. Аллоҳим, Сен Ўзингга ёмон муомалада бўладиганлардан ҳам неъматларингни узмай, уларга гўзал муносабат кўрсатасан. Сенинг йўлингда азият чекадиганларга муносабатинг қандай бўлар экан-а?!»

«Солиҳлар гулшани» китобидан